



“Ўзмелиомашлизинг” давлат унитар корхонаси
Мониторинг, маркетинг ва харид қилиш бўлими ходимларининг
лавозим йўриқномаси

I. Умумий қоидалар

- 1.1. Мониторинг, маркетинг ва харид қилиш бўлими “Ўзмелиомашлизинг” давлат унитар корхонаси (бундан кейин – корхона) ижро этувчи аппаратининг таркибий қисми ҳисобланиб, бевосита корхона директор ўринбосарига бўйсунди.
- 1.2. Бўлим ижро этувчи директор томонидан тайинладиган ва ишдан бўшатиладиган бўлим бошлиғи томонидан бошқарилади.
- 1.3. Бўлимнинг таркиби ва штати қўйилган топшириқ ҳамда вазифаларни ҳисобга олган ҳолда, ижро этувчи директор томонидан тасдиқланади.
- 1.4. Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, Корхона устави ва ушбу Йўриқнома асосида амалга оширади.
- 1.5. Бўлим ходимларининг мажбуриятлари бўлим бошлиғи томонидан ижро этувчи директор ўринбосари билан келишилган ҳолда тақсимланади.

II. Бўлимнинг таркиби

Бўлимнинг штат бирлиги қуйидагича:

Бўлим бошлиғи	– 1 бирлик;
Бўлим бошлиғи ўринбосари	– 1 бирлик;
Етакчи мутахассис	– 1 бирлик;

III. Бўлимнинг вазифалари

- 3.1. Бўлимнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси (бундан кейин – Жамғарма) Кенгашининг қарори билан тасдиқланган рўйхат асосида мелиорация ва бошқа техникалар, машина, ускуналар ҳамда бошқа механизация воситаларини (бундан кейин – лизинг объектлари) қонунчиликда белгиланган тартибда харид қилинишини амалга ошириш;
маркетинг ишларини олиб борган ҳолда ҳар йили лизинг олувчилардан олинган буюртманомалар асосида етказиб бериладиган лизинг объектларига уларнинг турлари бўйича келгуси йилдаги эҳтиёж прогнозини шакллантириш;
Мелиорация техникалари хариди учун тендер ёки танловлар ўтказишни ташкил қилиш ва ўтказишни таъминлаш;
Жамғарма томонидан ажратиладиган пул маблағлари тўғрисидаги тасдиқланган кафолат хатлари асосида мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқариладиган лизинг объектларини етказиб берувчилардан сотиб олишни ташкил қилиш;
маҳаллий ишлаб чиқарувчи (сотувчи) корхоналардан Корхона учун юборилган лизинг объектларини олди-сотди шартномаларида белгиланган

манзилга етиб келгунига қадар бу ҳақда хабардор бўлиб боради ва раҳбариятга маълумот киритади;

қабул қилиб олиш вақтида лизинг объектларининг бутланганлик даражаси, сифати, тури, русуми, миқдори ва бошқа кўрсаткичларини тўлиқ ва белгиланган талаб даражасига мос эканлигини назоратдан ўтказиш;

қабул қилиб олинган лизинг объектларини тегишли рўйхатга олувчи идораларда расмийлаштириш ишларини ташкил этиш;

сифати контрактда белгиланган талабларга жавоб бермаган ёки тўлиқ етказиб берилмаган, бутланмаган ёхуд бошқа камчиликлари мавжуд бўлган лизинг объектлари бўйича ишлаб чиқарувчи (сотувчи) корхонанинг вакили иштирокида далолатнома расмийлаштириш ва бундай камчиликларни тугатилиши учун лизинг объектини қайтариш ёки вақтинчалик қабул қилиш чорасини кўриш, ишлаб чиқарувчи (сотувчи) корхоналар билан музокаралар олиб бориш;

тегишли назоратдан ўтказилган ва сифати шартнома талабига жавоб берадиган лизинг объектларини ташқи назоратдан ўтказиб бўлгандан кейин уларни корхонага қабул қилинишини амалга ошириш;

корхонага қабул қилинган лизинг объектларини масофадан кузатиш ва мониторинг ўтказиш мақсадида белгиланган тартибда ҳар йили тегишли лизинг объектларига GPS тракери мосламасини ўрнатилишини ташкиллаштириш ва доимий мониторингини олиб бориш;

мониторинг натижасида аниқланган камчиликлар бўйича тегишли чоралар кўриш учун Сув хўжалиги вазирлигига тақдимнома юбориш;

лизингга берилган лизинг объектларининг ҳисобини, шунингдек лизинг олувчиларнинг рўйхатини юритишни шакллантириш;

лизингга берилган лизинг объектларининг ўз вақтида таъмирланиши, лизинг объектларининг махсус ҳужжатларида белгиланган тартибда улардан фойдаланиши ва уларнинг сақланишини назорат қилиш мақсадида корхонанинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги вакиллари (бундан кейин – ҳудудлардаги вакиллар) ҳамда “Мелиомашлизингсервис” МЧЖ билан ҳамкорликда мониторинг ишларини ташкил этиш;

тўлов муддати ўтган қарздорлиги жуда катта миқдорни ташкил этган ва лизинг объектларидан мақсадли фойдаланмаётгани аниқланган лизинг олувчилардан лизинг объектларини белгиланган тартибда вақтинча олиб қўйиш ва хатлаш ишларини амалга ошириш;

лизинг объектлари кафолатли таъмирлаш муддати мобайнида бузилса, уларни олди-сотди шартномаси шартлари ёки лизинг шартномаси шартларида белгиланган тартибда ишлаб чиқарувчи (сотувчи) томонидан ёки “Мелиомашлизингсервис” МЧЖ томонидан тузатиб берилиши бўйича ташкилий ишларни амалга ошириш.

3.2. Бўлим ходимлари белгиланган тартибда лизинг объектлари бўйича мониторинг ўтказиш вақтида асосан:

лизинг объектининг “Ўзмелиомашлизинг” давлат унитар корхонасига тегишли эканлигини (двигатель ва шасси ракамларининг мос келишини рўйхат билан солиштириш орқали);

лизинг объектининг ундан фойдаланувчи ташкилот раҳбарининг буйруғи асосида тегишли тоифадаги экскаваторчи-машинист гувоҳномасига эга бўлган операторга бириктирилганлигини;

лизинг олувчи ташкилот маъмурияти ва лизинг объекти оператори ўртасида моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома имзоланганлигини;

лизинг олувчи томонидан лизинг шартномаси шартларига риоя этилаётганлигини;

лизинг олувчи томонидан лизинг объектини “Давтехназорат” инспекцияси (ёки тегишлича ИИВнинг Давлат йўл харакати хавфсизлиги хизмати)да рўйхатдан ўтказилгани, унга давлат ракам белгиси олингани ва ўрнатилгани масаласида лизинг шартномасига риоя этилаётганини;

лизинг объектида кафолатли хизмат муддати даврида техник носозлик содир бўлган бўлса, бу носозликни тузатиш бўйича лизинг объектини ишлаб чиқарувчи корхона ёки ишлаб чиқарувчининг вилоятлардаги техник-сервис марказлари томонидан кафолатли хизмат кўрсатилишини ўз вақтида амалга оширилганини;

лизинг объектининг мониторинг ўтказиш пайтидаги техник ҳолатини (соз, носоз, бутлиги) агар носоз бўлса, унинг сабабдан ва ўрганишг натижаларига кўра тегишли чоралар кўриганини;

лизинг олувчининг айби билан лизинг объекти ишга яроқсиз ҳолатга келтириб қўйилган ва лизинг объекти асоссиз ҳолда фойдаланилмай турган бўлса, лизинг объектини ишдан чиққан ёки талон-тарож қилинган таркибий қисмлари ва деталларини кўрсатган ҳолда тегишлича далолатнома расмийлаштирилишини;

лизинг объектининг йўқотилгани (ўғирлангани, ёниб кетгани ва бошқа йўллар билан йўқ бўлгани) ҳолати аниқланган тақдирда лизинг объектининг йўқотилганлиги тўғрисида далолатномани тузиш, раҳбариятга телефон оркали маълумот бериш ва кейинги шошилиш чораларни кўриш учун тезкор равишда раҳбариятга билдиришнома билан тақдим этилганини;

лизинг объектининг конструкциясига ўзгартиришлар киритиш масаласида лизинг шартномаси шартларига риоя этилаётганлигини, ўзгартириш киритилганлиги аниқланганда лизинг берувчининг расмий рухсатномаси мавжудлиги ҳолатини;

лизинг объектини барча электрон ва оддий ускуналарини авайлаб ишлатиш, ишдан чиқмаган таркибий қисмлари ва деталларини сабабсиз алмаштирмаслик, уни тозаликда, хавфсиз жойда, техник соз ҳолатда сақлаш ҳамда лизинг объектидан фойдаланиш ва унга техник қаров ўтказиш йўриқномасига мувофиқ баҳорги-ёзги ҳамда кузги-қишки мавсумий техник хизматлар (МТХ)ни амалга оширилганлиги бўйича лизинг шартномаси шартларига риоя этилишини;

лизинг объекти учун белгиланган турдаги (ёзги, қишки) ҳамда русумдаги ёқилғи-мойлаш материалларидан фойдаланилаётганлигини;

лизинг объектининг сотилмагани, гаровга қўйилмагани, бегона шахсларга берилмагани, қаровсиз қолдирилмагани ва унга нисбатан бошқа ноқонуний ҳаракатларни амалга оширилмагани масалаларида лизинг шартномаси шартларига риоя этилишини;

лизинг объектини техникавий ишлатилиши кундалигининг юритилаётганлигини ва унга киритилган ёзувларнинг объективлиги (ҳақиқатга мослиги)ни;

лизинг объекти учун сервис хизмат кўрсатиш китобчаси юритилаётганлигини ва унга киритилган ёзувларнинг объективлигини;

лизинг олувчига лизинг объектидан самарали фойдаланиш, тузатиш сервис хизмати кўрсатиш масалалари бўйича зарур тушунтиришлар бериш ишларини ўрганади.

3.3. Бўлим лизингга берилган техникалар бўйича кафолат муддати даврида носозлик рўй берган тақдирда уни ўз вақтида, белгиланган тартибда ишлаб чиқарувчи томонидан созлаб берилишини назоратга олади.

3.4. Мониторинг ўтказилиши давомида аниқланган барча камчиликларни лизинг олувчи томонидан бартараф этилишини назоратга олади ва натижаси бўйича раҳбариятга мунтазам равишда ахборот бериб боради.

3.5. “Давтехназорат” инспекцияси (шунингдек, тегишлича ИИВ Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати)нинг жойлардаги бўлимлари билан ҳамкорликда иш олиб боради.

3.6. Лизинг объектларига техник ва сервис хизмати кўрсатиш учун Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган товарлар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмларнинг “Мелиомашлизингсервис” МЧЖ корхонаси томонидан харид қилиниши билан боғлиқ ташкилий ишларда маслаҳат беради ва талаб қилинганида ўз хулосаларини корхона раҳбарига беради.

3.7. Лизинг объектларига “Мелиомашлизингсервис” МЧЖ томонидан сервис хизмати кўрсатиш учун харид қиланадиган маҳаллий товарлар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар рўйхати Корхона раҳбариятига такдим этилганида МЧЖнинг масъул ходимлари билан биргаликда ушбу товарларнинг нархлари мақбуллигини тезкор ўрганиб чиқади. Шундан кейин ўз хулосаси билан тасдиқлаш учун Корхона раҳбариятига киритади.

3.8. Қонунчиликда белгиланган тартибда бўлим бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

IV. Бўлим бошлиғининг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Бўлим бошлиғининг вазифалари.

Бўлим бошлиғи:

Бўлим ходимлари билан биргаликда бўлим Йўриқномасининг лойиҳасини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун раҳбариятга киритади;

ушбу Йўриқномага мувофиқ бўлимга юкланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди;

бўлимнинг иш фаолиятини талаб даражасида ташкил этади;

бўлим ходимлари томонидан ички меҳнат интизомига риоя этилишини назорат қилади;

бўлим томонидан тайёрланган ва имзолаш учун раҳбариятга киритиладиган ҳужжатларнинг ўрнатилган талабларга мос бўлишини таъминлайди;

бўлимлар томонидан раҳбариятга имзолаш учун киритилаётган ҳужжатлар, шартномалар, маълумотлар ва ахборотлар билан танишиб, уларни тегишлилиги бўйича имзолайди (виза қўяди);

бошқа таркибий бўлинмалар билан ҳамкорликда Корхонада лизинг объектларини харид қилиш ва лизингга бериш билан боғлиқ ишларнинг бажарилишини таъминлайди.

4.2. Бўлим бошлиғининг ҳуқуқлари:

Бўлим бошлиғи:

бўлим ходимларига зарур топшириқлар беради ва уларнинг бажарилишини назорат қилади;

бўлим фаолияти билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича ўз ваколати доирасида мустақил равишда қарор қабул қилади, зарур ҳолларда раҳбариятга бўлим номидан таклифлар киритади;

4.3. Бўлим бошлиғининг жавобгарлиги.

Бўлим бошлиғи:

ушбу Йўриқномада назарда тутилган вазифаларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги;

бўлим мутахассислари томонидан ички меҳнат тартиби ва қоидаларига риоя этилиши ҳамда меҳнат шартномасида назарда тутилган бошқа мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги учун белгиланган тартибда жавоб беради.

V. Бўлим бошлиғи ўринбосарининг вазифалари, ҳуқуқ ва жавобгарлиги

5.1. Бўлим бошлиғи ўринбосарининг вазифалари:

Бўлим бошлиғининг ўринбосари:

ушбу Йўриқномада белгиланган вазифаларни бажарилишини бевосита ташкил этишда бўлим бошлиғига кўмаклашиш;

ҳар бир ҳудудга чиқишдаш олдин жойларда ўрганилиши кутилаётган масалалар бўйича саволнома тузишда иштирок этиш;

хизмат сафарида бажарилган ишлар юзасидан аниқ ҳисоботлар тайёрлаш;

мониторинг якунланганидан ва ходимлар хизмат сафаридан қайтган кунидан эътиборан 3 кундан кечиктирмасдан ҳисоботларни умумлаштириб, раҳбариятга тақдим қилиш;

мониторинг натижаларини (шу жумладан ҳудудлардаги вакилларнинг маълумотлари билан) доимий анализ ва синтез қилиб, умумий хулоса тайёрлаш, аҳволни яхшилаш юзасидан раҳбариятга ўз фикр ва мулоҳазаларини бериб бориш;

тендер олди ташкилий ишларини юритиш учун зарур бўлган маълумотларни Ташқи иқтисодий алоқалар ва инвестициялар секторига етказиб бериш ишларини бевосита бажаради.

5.2. Бўлим бошлиғи ўринбосари раҳбарият томонидан берилган бўлим ваколатига кирувчи бошқа топшириқларни ҳам бажаради.

5.3. Бўлим бошлиғи ўринбосари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

бўлим бошлиғи 1 кундан ортиқ вақт давомида иш жойида бўлмаганида унинг вазифаларини вақтинча бажариб туриш;

бўлим бошлиғининг ўрнига тегишли ҳужжатларга имзо қўйиш ва тадбирларда иштирок этиш.

5.4. Бўлим бошлиғи ўринбосарининг жавобгарлиги қуйидагилардан иборат:

ушбу Йўриқномада назарда тутилган вазифаларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги;

бўлим ходимлари томонидан ички меҳнат тартиби ва қоидаларига риоя этилиши ҳамда меҳнат шартномасида назарда тутилган бошқа мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги учун жавобгарлик.

VI. Етакчи мутахассиснинг вазифалари, ҳуқуқ ва жавобгарлиги

6.1. Бўлим етакчи мутахассисининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

раҳбарият топшириғига кўра тегишли тадбирларда Корхона номидан вакил сифатида иштирок этиш, олди-сотди шартномалари лойиҳаларини тайёрланишида бошлиқ ўринбосарига кўмаклашиш;

лизинг объектларини белгиланган тартибда (товарнинг бутланганлик даражаси, сифати, тури, русуми, миқдори ва бошқа кўрсаткичлари бўйича шартнома талабларига жавоб бериши ва унинг сотиб олиниши бўйича ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши тартиби) ишлаб чиқарувчи (ёки сотувчи)дан қабул қилиб олинишини таъминлаш ва натижалари бўйича раҳбариятга маълумот бериш;

лизинг объектларини қабул қилиб олиш вақтида аниқланган камчилик ва нуқсонларни аниқ кўрсатган ҳолда топширувчининг вакили билан икки тарафлама

далолатнома тузиш, аниқланган камчилик ва нуқсонларнинг жиддийлигига қараб товарларни ишлаб чиқарувчи (сотувчи)га қайтариш ёки вақтинча шартли қабул қилиб олиш тўғрисида тегишли нуқсон далолатномасини (дефектний акт) расмийлаштириш ва шу кундан кечиктирмасдан раҳбариятга бу ҳақда маълумот бериш;

олди-сотди шартномасида белгиланган тартиб ва муддатларда техникаларнинг Корхона омборхонасига етказиб берилиши ва жойлаштирилишини таъминлаш;

белгиланган тартибда нуқсонсиз қабул қилиб олинган лизинг объектларини тегишли идораларда давлат рўйхатидан ўтказиш, давлат рақами олиш ва расмийлиштириш;

белгиланган тартибда расмийлаштирилган лизинг объектларига уларни масофадан кузатиш ва мониторинг ўтказиш мақсадида GPS тракери мосламаси ўрнатилишини ташкиллаштириш ва мониторинг қилиш;

раҳбарият томонидан берилган бошқа топшириқларнинг ижросини таъминлаш.

6.2. Етакчи мутахассис қонунчиликда белгиланган ҳуқуқларидан фойдаланади.

6.3. Бўлим етакчи мутахассисининг жавобгарлиги қуйидагилардан иборат:
ушбу Йўриқномада назарда тутилган вазифаларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун қонунчиликда белгиланган тартибда интизомий ва моддий жавобгарлик;

ички меҳнат тартиб ва қоидаларига риоя этилиши ҳамда меҳнат шартномасида назарда тутилган бошқа мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги учун жавобгарлик.

VII. Бўлим ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

7.1. Бўлим қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

Корхонанинг барча таркибий бўлинмаларидан ўз ваколатлари доирасида зарур маълумотларни сўраш ва олиш;

Корхонада ўтказилаётган текширишлар, тафтишлар ва хатловларда, шунингдек уларнинг якунлари бўйича ҳужжатларни кўриб чиқишда иштирок этиш;

раҳбарият топшириғига кўра Корхона таркибий бўлинмалари ходимларини шартномалар ва меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг иштироки зарур бўлган бошқа тадбирларни амалга оширишга жалб этиш;

Эксперт кенгаши йиғилишида қатнашиш;

раҳбарият томонидан ўтказиладиган йиғилиш ва мажлисларда қатнашиш.

7.2. Бўлим ходимларининг мажбуриятлари:

бўлим ходимлари ушбу Йўриқномадан келиб чиқадиган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга;

Корхона мулкини асрашга;

ўз хизмат лавозими йўриқномасида кўрсатилган вазифаларни талаб даражасида бажариш, ички меҳнат интизомига риоя этиш ҳамда қонунчиликда назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаришга;

махфий ҳисобланган махсус грифли ҳужжатларни ҳамда Корхона фаолиятига дахлдор бўлган бошқа ҳужжатларни сир сақлаш мажбуриятини олишга, бундай ҳужжатларни ошкор қилмасликка мажбурдирлар.

7.3. Ушбу талаблар бузилгани учун бўлим ходимлари қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлишлари мумкин.

Кирилди:
Юридик бўлим



Келишилди:
Мониторинг, маркетинг ва харид килиш
бўлими бошлиғи



Б. Бегматов

Бошлик ўринбосари



Н.Султанова

Етакчи мутахассис



А.Юсупов